

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ МЕъёРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Ирода Бозорова**

Андижон давлат университети тадқиқотчиси

### **Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидаги таълим тизимини ислоҳ қилишнинг умумий мазмуни, бу бўйича қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** таълим тизими, бошлангич таълим, “Таълим тўғрисида” қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, конституция, таълим олиш ҳуқуқи.

## НОРМАТИВНО-ПРАВОВАЯ ОСНОВА РЕФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Ирода Бозорова**

Преподаватель Андижанского государственного университета

**Аннотация.** В статье анализируется сущность реформы в сфере системы образования, законы и другие нормативно-правовые акты принятые в этой связи в первые годы независимости Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** система образования, начальное образование, закон «О образовании», Национальная программа по подготовки кадров, конституция, право на образование.

## REGULATORY AND LEGAL BASIS FOR THE REFORM OF THE PRIMARY EDUCATION SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Iroda Bozorova**

Lecturer at Andijan State University

### **Annotation**

The article analyzes the essence of the reform in the sphere of the education system, laws and other normative legal acts adopted in this regard in the first years of independence of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** education system, primary education, the law "On Education", the National Training Program, the Constitution, the right to education.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк давриданоқ умумий ислоҳотларда ҳамда мамлакатни ривожлантириш стратегиясида таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин эгаллаган. Маълумки, собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимида жуда кўп муаммолар ва зиддиятли жиҳатлар мавжуд бўлиб, таълимда ўзаро узвийликка асосланган ягона концепция мавжуд эмас эди. Шу боисдан мамлакатда таълим билан боғлиқ муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш бўйича ҳаракатлар бошланди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг илк самараси ўлароқ, 1997 йилда ўзбек халқининг асрий анъаналарини ўзида мужассам этган ҳамда замонавийлик меъёрларни қамраб олган Кадрлар тайёrlашнинг миллий дастури яратилди. Миллий дастур “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоида ва меъёрларига мос тарзда тайёрланди ва татбиқ этилди [1. Б.118].

Кадрлар тайёrlаш миллий дастурининг яратилиши ва амалиётга татбиқ этилиши республикада босқичма-босқич тарзда бошланган таълим ислоҳотларининг бош мезони ва концепцияси бўлди. Дастур ўзбек халқи менталитети ва урф-одатларига хос ва жаҳон андозаларига мос бўлган миллий моделимизни яратишда асос вазифасини ўтади. У глобал муаммони ҳал этишга қаратилди, яъни узлуксиз таълим тизими шаклана бошлади [2. Б.15]. Долзарб аҳамиятга молик бўлган таълим-тарбия масалалари республикада устувор соҳаларга айланди ҳамда дастурда белгиланган вазифалар жамият ҳаётида авваламбор, ижтимоий-сиёсий тус олиши ҳамда барқарорлашувида, тизимда демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг ривожланишида, шу билан бир қаторда, ўкув муассасаларини замонавий ўкув-техника воситалари, юксак тажрибали педагог кадрлар билан таъминланишида, таълим тизимига давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари, хорижий инвестициялар жалб этилишида катта аҳамият касб этиди.

Кадрлар тайёrlаш миллий дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни тўлақонли амалга оширишда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ҳамда уларга ғамхўрлик қилиш ишларини бажариш муҳим ҳисобланди. Айнан шундай эзгу мақсадни рўёбга чиқариш учун республика ёшларининг истиқболини таъминлайдиган барча ташкилий-хуқуқий чоралар ишлаб чиқилди, бу борада муҳим қонунлар яратилди, қабул қилинди, давлат дастурлари амалиётга татбиқ этилди. Жумладан, фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларининг қонуний асосини ташкил қилувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боби “Иқтисодий ва ижтимоий хукуқлар” деб номланиб, унинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш хуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши [3. Б.9] белгилаб қўйилди. Бу эса ёш авлодни таълим олишини кафолатловчи муҳим хуқуқий хужжат ҳисобланиб, унга асосан ўқувчиларни мунтазам равишда таҳсил олиши кўзда

тутилди. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда Республика Конституциясини таълим тизимининг хуқуқий асоси дея эътироф этиш мумкин.

Таъкидлаш муҳимки, жамият ҳаётидан чуқур ўрин олган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган истиқболли вазифаларни уч босқичда таълим жараёнига татбиқ этилиши кўзда тутилди. Мазкур босқичлар асосан дастурда қамраб олинган вазифаларни истисносиз бажариш ва таълим тизимида уларнинг чуқур барқарорлашувига ҳамда оммалашувига туртки бўлди.

Дастурнинг биринчи босқичи 1997-2001 йилларни ўз ичига олган. Унда амалдаги таълим тизимининг ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш асосида хуқуқий-меъёрий, илмий-методик, моддий-молиявий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу босқичда таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, республика таълим соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва Миллий дастурнинг ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш вазифаларини амалга ошириш каби қатор вазифаларни амалга ошириш белгиланди [4]. Биринчи босқичда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун хуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар мужассам этилди [5. Б.21]. Булардан ташқари, Дастур талабларидан келиб чиқсан ҳолда таълимни ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида кўплаб амалий ишлар қилинди. Хусусан, “Бошланғич синф ўқувчилари учун тайёрланадиган дарсликлар меъёрлари”, “Бошланғич таълим стандарти” ишлаб чиқилди. Давлат таълим стандартлари талаблари асосида лотин ёзувида ўқув дастурлари, дарслик ва методик қўлланмалар нашр қилинди, “Энг яхши дарсликлар” танловлари ўтказиш анъанавий тарзда йўлга қўйилди ва “Бошланғич таълим концепцияси” яратилди [6. Б.58 ].

Шу билан бир қаторда, ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшда мактабга қабул қилишда, уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда бажариш, тақозо этилаётган ўқувчи ўринларини зарур моддий-техника шарт-шароитлари билан таъминланган ҳолда амалга ошириш ҳамда бу босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритиш [7. Б.40] каби устувор вазифаларни уддалаш ҳам алоҳида таъкидланди.

Иккинчи босқичда – 2001-2005 йиллар мобайнида Дастурда белгиланган вазифаларни тўлақонли равишда амалиётга кенг татбиқ этиш мақсади қўйилди. Ушбу босқичда, аввало, мажбурий умумий ўрта ва ўрта-максус, касб-хунар таълимига, ўқувчиларнинг қобилиятлари ҳамда имкониятларига қараб табакалаштирилган таълимга ўтишни тўла равишда амалга ошириш, шунингдек, таълим муассасаларини максус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдиришни таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятида

рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш назарда тутилди. Бундан ташқари, мавжуд таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли янги давр ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш ҳамда узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш, таълим хизмати қўрсатиш бозорини шакллантириш механизмларини тўла ишга солиш вазифаларини амалга оширилиши катъий тарзда белгиланди.

Дастурнинг охирги учинчи босқичида – 2005 йилгача ва ундан кейинги йиллар давомида тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, республикани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш истиқболларига мувофиқ тарзда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий, кадрлар ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ равишда таъминлаш каби муҳим вазифаларни изчил амалга ошириш кўзда тутилди [8. Б.14].

Ўзбекистонда таълим тизимини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳуқуқий хужжатлар муҳим ислоҳотларнинг бош негизи ҳамда мезонига айланди. Таълим дастури, аввало, бунёдкор ҳамда ижтимоий фаол, баркамол инсонни шакллантириш ва юқори малакали, замонавий кадрларни тайёрлашнинг зарурий шарт-шароитларини таъминлади [9. Б.122]. Унда эркинлик, устуворлик, инсонийлик, миллий ҳусусиятларга йўналтирилганлик, таълим-тарбиянинг боғлиқлиги, истеъододли ва иқтидорли ёш авлодни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш узлуксиз таълим тизимининг асосий тамойиллари сифатида белгиланди [10. Б.16]. Таълим дастури ўзимизга хос ва жаҳон андозаларига тўла мос бўлган Миллий моделни яратишга туртки бўлди. Мазкур Миллий моделни жамият ҳаётига татбиқ этиш республика таълим тизимидағи истиқболли стратегик мақсадга айлантирилди.

Миллий дастурда белгилangan кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан биринчиси “шахс” бўлиб, унга қуйидагича: “Шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи” си сифатида баҳо берилди [11. Б.10]. Шу сабабли ҳам республика миллий қонунчилигига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувор вазифа сифатида қайд этилди. Юқорида таъкидланган таркибий компонентларнинг таълим тизимида киритилиши Миллий моделнинг аҳамиятини оширишга сезиларли таъсир қўрсатди.

Дастурнинг учинчи бўлими “Узлуксиз таълим” деб номланган бўлиб, у ўз навбатида мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимни қамраб олган. Жумладан, тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурий эканлиги, таълимнинг мазкур тури бошланғич таълимни (I-IV синфлар) қамраб олиб, унда ўқувчиларнинг

фанлар асослари бўйича мунтазам равиша билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-аҳлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантириши белгиланди. Шунингдек, умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунасадаги аттестат берилиши белгиланди.

Бундан ташқари, умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуидагилар муҳим белгилар сифатида қайд этилди:

- ҳудудларнинг географик ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равиша таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равиша таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;
- таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;
- ўқувчилар касб-хунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш [12. Б.42].

Хуллас, умумий ўрта таълимнинг мазмuni ва моҳияти асосий ўринда ёш келажак авлодни замонавий тарзда шакллантириш, таълим-тарбия бериш ҳамда уларни ҳар томонлама билим олишларига кўмак беришга қаратилганлиги билан характерланади [13. Б.28]. Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикасида таълим тўғрисидаги қонун айнан узлуксиз таълимга қўйилган талабларни амалга ошира бориб, Халқ таълими вазирлиги томонидан бошланғич синфларни янада мустаҳкамлаш ва уларни янада шакллантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди [12. Б.46]. Хусусан, мазкур тизимли равиша давом этган сай-ҳаракатлар мажмуи қуидагилардан иборат бўлди:

- бошланғич таълим концепцияси яратилди ҳамда республика умумтаълим мактаблари учун бошланғич таълим фаолиятининг 2000 йилгача бўлган истиқболли режаси тузилди ва татбиқ этилди;
- бошланғич таълимнинг давлат таълим стардарти лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти томонидан яратилди;
- бошланғич синф ўқувчилари учун яратилган дарсликлар мазмuni янгиланиб, 1995-1996 ўқув йили учун лотин ёзувига асосланган дарслик ва қўлланмалар нашр этилди;
- болаларни мактабга тайёрлашнинг дастурний мезони яратилди ва ушбу дастур асосида жойларда тажриба ишлари олиб борилди [12. Б.48-49].

Умуман, мустақилликнинг илк даврида Ўзбекистонда таълимнинг таянч бўғини бўлган бошланғич таълим тизимида трансформацион жараёнлар юз бериб, тизимни модернизациясига йўналтирилган давлат сиёсати асосан кичик ёшдаги болаларни маънавий-маърифий жиҳатдан камол тортиришга ҳамда уларни замонавий билимлар билан қуроллантиришга қаратилди. Шунингдек, соҳани ривожлантиришга доир хукумат қарорлари ишлаб чиқилди ва улар амалиётга жорий этилди.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар // Баркамол авлод орзуси. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.
2. Васиева Д.И. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда университет таълимининг шаклланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991-2009 йй.): Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
4. [https://nrm.uz/contentf? doc=7573\\_o'zbekiston\\_respublikasi\\_kadrlar\\_ tayyorlash\\_milliy\\_dasturi\\_29\\_08\\_1997](https://nrm.uz/contentf? doc=7573_o'zbekiston_respublikasi_kadrlar_ tayyorlash_milliy_dasturi_29_08_1997)
5. Мусаев У. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда // Бошланғич таълим. – Тошкент, 1998. -№ 3.
6. Аҳлидинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. – Тошкент: Фан, 2006.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
8. Йўлдошев Ж.Ф. Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998.
9. Истиқлол ва таълим (Халқ таълими мустақиллик йилларида. 1991-2001 йиллар) / Р.Х. Жўраев таҳрири остида. Тузувчилар: Р.Аҳлиддинов ва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 2001.
10. Қодиров Б. Таълим тизимидағи ислоҳотлар мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
11. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Тошкент: Адолат, 1998. -№3.
12. Ўзбекистон Миллий архиви, М.26-жамғарма, 2-рўйхат, 143-йиғма жилд.
13. Зуннунов А., Толипов Ў. Миллий қадриятлар асосида ўқувчи шахсини шакллантириш. – Тошкент: Шарқ, 2006.